**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Навоий вилояти Кармана**

**тумани халк таълими бўлими**

**мудири ______________ С.Ачилов**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Кармана туман 22-умумий ўрта таълим мактаби биносининг тўсин деворларини жорий таьмирлаш лойиха-смета хужжатларига асосан.

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **(58693645)** сўм. (эллик саккиз миллион олти юз тўқсон уч минг олти юз қирқ беш сўм)

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган иштирокчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.4 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1**. Кармана туман Халқ таьлими бўлими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Кармана туман Кухна кургон 6 уй.

Эл.адрес: **www.karmana-xtb.uz**

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Кармана туман Халқ таьлими бўлими** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

**Бўлим мухандиси:** **Э.Зокиров**

**Навоий вилояти Кармана тумани халқ таълими бўлими**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Навоий вилояти Кармана**

**тумани халқ таълими бўлими**

**мудири ______________ С.Ачилов**

**Кармана туманидаги 22-мактаб тўсин деворларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатини ишлаб чиқишга**

# Т Е Х Н И К   Т О П Ш И Р И Қ

**(2 НУСХАДА ТАЙЙОРЛАНДИ)**

| | |
|---|---|
| **Бош буюртмачи** | Кармана тумани ҳалқ таьлими бўлими |
| **Бош лойиҳачи** | “Самойўллойиҳа” масъулияти чекланган жамияти (лойиҳа институти, корхонаси, жамияти ва ҳ.к. номи) |
| **Бош пудратчи** | “Тендер” савдоси асосида аниқланади |
| **Лойиҳалаш учун асос** | Xalq deputatlari Karmana tumani kengashining 2021 yil 31 dekabrdagi VI-42-120-5-71-K/21-sonli Karmana tumaning 2022 yilgi mahalliy budjetini tasdiqlash to’g’risidagi qarori |
| **Қурилиш тури** | Мавжуд 78 пмдан иборат эски яроқсиз ҳолга келган панжарасимон кўрғон девор ўрнига бетон ғишт (шлакоблок) конструкцияли кўрғон девор ҳамда 4х2м ўлчамли панжарасимон металл дарвоза қуриш. (қуриш, реконструкция қилиш, тўлиқ таъмирлаш) |
| **Объектнинг жойлашган ўрни** | Кармана тумани (объектнинг жойлашган вилоят, туман) |
| **Лойиҳалаштириш босқичи** | Смета ҳужжатти (ДТИҲ, ТИҲ, ишчи лойиҳа, ишчи хужжат) |
| **Жойнинг тавсифи** | Кармана тумани (лойиҳаланаётган ҳудуд жойлашуви) |
| **Қурилиш ишларини бошланиши** | 2022 йил |
| **Қурилиш ишларини тугаллаш** | 2022 йил |
| **Лойиҳани давэкспертизадан ўтказиш** | Буюртмачи томонидан амалга оширилади. |
| **Лойиҳаларни ишлаб чиқишни тугатиш муддати** | Шартномада аниқланади. |
| **Капитал қўйилмаларнинг мўлжалланаётган ҳажми ва молиялаштириш манбалари** | Молиялаштириш манбаи:<br>Маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан |
| **Топшириш – қабул қилиш тартиби** | Ишчи лойиҳа ушбу техник топшириқ талабларига биноан қабул қилинади.<br>Смета ҳужжатлари қурилиш материаллари, машина ва механизмларидан фойдаланиш нархларини “Буюртмачи” томонидан тасдиқланган “Келишув баённомасига” асосан ҳисоблаб чиқилиши лозим.<br>Ишчи лойиҳа 2 нусхада ва амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган бўлиши керак. |

Буюртмачи:
Кармана тумани халқ таьлими бўлими вакили

_______________

“22” 08 2022 й

(имзо)

Келишилган:
Бош лойиҳачи ташкилот
“Самойўллойиҳа” МЧЖ ЛБМ

_______________

“22” 08 2022 й

(имзо)